



ЎАЛҚАРО ТЕРРОРИЗМНИНГ КРИМИНОЛОГИК ТАВСИФИ ВА ПРОФИЛИКТИКАСИ

А.У.Кўлдошев

<https://doi.org/10.5281/zenodo.17921991>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 06-dekabr 2025 yil
Ma'qullandi: 10-dekabr 2025 yil
Nashr qilindi: 13-dekabr 2025 yil

KEYWORDS

Ўалқаро терроризм,
криминологик тавсиф,
профиликтика, ҳуқуқий
асослар.

ABSTRACT

Мақолада Ўалқаро терроризмнинг жамият ҳаёти учун салбий оқибатлари, криминологик тавсифи, унинг профиликтикаси ва ҳуқуқий асослари илмий-назарий жиҳатдан таҳлил қилиниб, мазкур фаолиятни янада самарали ташкил қилишга оид таклиф ҳамда тавсиялар билдирилган.

Мамлакат ижтимоий ҳаётида, яъни, жамиятда барқарорлик, тинчлик ва осойишталикни қарор топтириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш мамлакатни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан янада ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш, ҳуқуқий демократик давлат қуриш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлардан кўзланган мақсадларга эришишнинг муҳим шарти ҳисобланади¹. Хусусан, тинчлик-осойишталик инсоният учун тенгсиз неъматдир, осуда ҳаёт, фаровонлик ва умуман, барча эзгу ният ва мақсадларнинг рўёби энг аввало шу неъматга боғлиқ. Аммо, азал-азалдан яхшилик билан ёмонлик, эзгулик билан ёвузлик каби нисбий кучлар бўлганидек, инсон ҳаётига раҳна солувчи офатлар ҳам мавжуд. Улардан бири эса бу – Ўалқаро терроризмдир. Инсоният ҳаёти учун энг катта офатлардан бири бўлган Ўалқаро терроризм ХХ асрнинг охири ва ХХI асрга келиб, ўзининг жирканч қиёфасини янада кенг намоён эта бошлади. Афсуски, диний экстремизм, ақидапарастлик ва терроризм дунё аҳлининг хавфсизлигига жиддий таҳдид солаётгани кўпчиликка сир эмас.

Қайд этиш керакки, мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик, осойишталик, миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик ва ҳамжиҳатлик юртимиз равнақи ва порлоқ келажак йўлида амалга оширилаётган эзгу ишларнинг мустаҳкам асоси бўлиб хизмат қилмоқда. Лекин ғоялар қураши авж олаётган ХХI асрда дунёда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш йўлида ҳал этилиши зарур бўлган кўплаб муаммолар юзага

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги “Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5005-сонли Фармони.

келаётгани, кишиларнинг осуда ҳаётини издан чиқаришга қаратилган янги шаклдаги таҳдидларнинг кун сайин пайдо бўлаётгани ва бунинг натижасида бузғунчи ғоялар мафкура майдонини қуршаб олаётгани барчамиздан огоҳлик ва хушёрликни талаб этмоқда.

Дарҳақиқат, “Биз яшаётган бугунги замон ҳеч қачон бир жойда тўхтаб турмаслигини барчамиз ўзимизга доимо яхши тасаввур қилганмиз ва тасаввур қиламиз. Ҳозирги кунда жаҳон миқёсида вазият қандай тез ўзгариб, дунёнинг айрим минтақаларида аҳвол тобора кескин тус олаётгани, турли қарама-қаршиликлар, можаро ва қон тўкишлар кучайиб, халқаро терроризм, экстремизм ва радикализм хавфи ортиб бораётгани, яқин ён-атрофимизда давом этаётган ҳарбий тўқнашувлар бизда чуқур ташвиш ва хавотир туйғусини уйғотмасдан қолмайди, албатта”².

Бу борада Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганларидек: “Бугунги кунда юзага келаётган хавф-хатар ва таҳдидлар, аввало, халқаро терроризм, диний экстремизм, ноқонуний миграция, одам савдоси, ёшлар ўртасида халқимизга ёт ғоялар тарқалишининг тобора кучайиб бораётганлиги ички ишлар органлари олдида ўз вақтида уларнинг олдини олиш ва уларга барҳам бериш бўйича янги вазифаларни қўймоқда³. Хусусан, терроризм билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш – бу бутун жамият ва алоҳида ижтимоий субъектлар томонидан ушбу ҳуқуқбузарликларнинг сабабларини ва шароитларини аниқлаш, бартараф этиш ёки уларнинг криминал хусусиятларига эга бўлган таъсирини йўқотиш, кучсизлантириш, шу жумладан, маъмурий ва жинойят қонунчилиги билан белгиланган тақиқларни бузган ёхуд шундай хатти-ҳаракатларни содир этишга мойил турли шахсларга тарбиявий профилактик таъсир чораларини кўрсатишдан иборатдир.

Терроризм билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида сўз юритганимизда бевосита ушбу вазифаларни амалга оширувчи субъектлар ва уларнинг фаолияти кўз ўнгимизда намоён бўлади. Профилактика хизматларининг бу йўналишдаги фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»⁴ги Қонуни ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига асосан амалга оширади.

Қайд этиш лозимки, Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонунининг 6-моддаси талабларидан келиб чиқиб, терроризмнинг профилактикаси қуйидаги турларда амалга оширилиши лозим:

- диний экстремизм ва терроризмнинг умумий профилактикаси;
- диний экстремизм ва терроризмнинг махсус профилактикаси;
- диний экстремизм ва терроризмнинг яқка тартибдаги профилактикаси;
- диний экстремизм ва терроризмнинг виктимологик профилактикаси.

² <http://old.xs.uz-сайти>.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги “Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5005-сонли Фармони.

⁴ Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <http://lex.uz>.

Айтиш мумкинки, шиддат билан ривожланиб ва ўзгариб бораётган бугунги кунда, халқимизнинг маънавий қадриятлари, маданияти ва урф-одатларига мутлақо зид бўлган, ёт ва бузғунчи ғояларни жамиятимиз ҳаётига турли йўллар билан сингдиришга қаратилган уринишлар кучайган, айниқса, ёш авлоднинг қалби ва онгини эгаллаш учун кескин кураш кетаётган бир шароитда, мамлакатимиз келажаги бўлмиш ёшларимизни тарбиялаш ва уларнинг маънавий-руҳий тайёргарлигини ошириш борасидаги ишларнинг роли ва ўрни тобора ортиб бормоқда. Таълим муассасалари, меҳнат жамоалари ва маҳаллаларда ёшларимиз қалбида Ватанга юксак муҳаббат ва ҳурмат туйғуларини камол топтириш мақсади йўлидаги тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ишларни янада кучайтириш, ҳеч шубҳасиз, алоҳида муҳим аҳамият касб этади.

Қайд этиш лозимки, халқаро терроризмнинг хавфи ва кўлами чексиздир. Халқаро терроризм ўз номидан ҳам маълумки, у бутун дунё хамжамияти ўзини салбий иллат сифатида намоён этиб келмоқда. Чунки, у бир давлат ёки ҳудуди билан чегараланмайди ҳамда ҳар қандай тўсиқ ва чегараларни бузиб ўтишга қодирдир. Бугунги кунда унинг хавфидан ҳеч қайси бир давлат четда эмас, унинг бизга таъсир ва зарари йўқ дея олмайди, бевосита бунинг исботини эса ривожланган Европа давлатларидаги ҳолатлардан ҳам кўришимиз мумкин.

Мамлакатимизда бугунги кунда барпо этилган қудратли миллий армия ва ҳуқуқ тартибот идоралари терроризмнинг ҳар қандай таҳдидини бартараф этишга ҳамда юртимизда тинчлик ва осойишталикни таъминлашга қодир эканлиги бизга албатта хотиржамлик бахш этади. Аммо, ҳар биримиз она Ватанимиз тинчлиги ва осойишталиги, халқ фаровонлиги учун ўз ҳиссамизни қўшмоғимиз, ён-атрофимизда содир бўлаётган воқеаларга бефарқ қарамасдан яшаш фуқаролик бурчимиз эканлигини ҳам унутмаслигимиз керак. Хусусан, ҳозирги кунда халқаро террорчилик ҳаракатларини содир этаётган жиний уюшмалар қилмишининг ижтимоий хавфлилик даражаси шундаки, деярли барча жиноятчилар террорчилик ҳаракатлари содир этилган давлат ҳудудида эмас, балки, иккинчи ёки учинчи давлат ҳудудида жойлашиб олиб, ўз жиний режаларини амалга оширмоқдалар. Хусусан, Афғонистондаги террорчи ташкилот вакиллари Тожикистон, ҳаттоки, Қирғизистон давлатлари чегараларидан ноқонуний йўллар билан ўтиб, мамлакатимиз ҳудудида террорчилик жиноятларини содир этганлиги барчага маълум.

Жумладан, мутахассис олимлар томонидан халқаро терроризм тушунчасига турлича таърифлар берилган бўлиб, бу борада аниқ ягона тушунча мавжуд эмас. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 15 декабрда қабул қилинган “Терроризмга қарши курашиш тўғрисида”ги қонунига мувофиқ: “Халқаро терроризм — бир давлат ҳудуди доирасидан ташқарига чиқадиган терроризм”⁵, деб таърифланган. Ушбу тушунча орқали халқаро террорчилик бир давлатнинг эмас, балки бошқа давлатларнинг ҳам долзарб муаммосига айланганлигини англаш мумкин. Умуман олганда, бугунги кунда терроризмининг деярли барча шакллари халқаро ва минтақалараро кўринишга эга. Шу сабабли, ушбу иллатга қарши кураш ҳақаро миқёсда давлатларнинг ўзаро мусаҳкам ҳамкорлиги асосида амалга оширилиши лозим.

⁵ Ўзбекистон Республикасининг «Терроризмга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <http://lex.uz>.

Қайд этиш лозимки, ҳозирги вақтга келиб дунёнинг турли ҳудудларида, хусусан Яқин Шарқ минтақасида рўй бераётган ижтимоий-сиёсий жараёнлар, зиддиятли тўқнашувларга теран кураш ҳиссини ошириш, ҳар қандай кўринишдаги таҳдидларга қарши маънавий-маърифий ишларни замон талаблари асосида ташкил этиш, ёшларни турли мафкуравий хуружлардан ҳимоя қилишда кишилиқ жамияти олдида бир қатор комплекс вазибаларни ҳал этишдек долзарб муаммолар намоён бўлмоқда.

Хусусан, ҳозирги давр фуқароларда терроризм ғояларига қарши кураша оладиган иммунитетни, айниқса ҳуқуқий ва диний билимларга эга бўлишларини тақозо этмоқда. Чунки, ушбу турдаги ҳуқуқбузарликларни содир этган ёки уни содир этишга мойил бўлган шахсларда диний ёхуд ҳуқуқий билимлар етарли даражада мавжуд эмаслиги кузатишимиз мумкин. Ушбу борада самарали профилактик чораларни амалга ошириш борасида *биринчидан*, фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва диний билимларини ошириш; *иккинчидан*, узоқ муддатга доимий яшаш жойидан чиқиб кетган ва қайтиб келган шахслар билан профилактик ишларни амалга ошириш; *учинчидан*, терроризм ва экстремизм билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни содир этган ва ундан жабрланган шахсларнинг аянчли тақдири ҳақида ОАВлари орқали доимий равишда аҳолига тарғибот ишларини ташкил этиб бориш; *тўртинчидан*, ички ишлар органларининг соҳавий хизмалари бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликда бу борадаги ҳуқуқбузарликларнинг барвақт профилактикаси борасида самарали профилактика чора-тадбирларни ташкил этиш ва амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Хулоса сифатида айтишимиз мумкинки, ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасида кенг жамоатчилик билан ҳамкорликдаги фаолиятга алоҳида эътибор бериш, шунингдек, жиноий йўллар орқали катта бойлик орттириш, адолатсизликка қарши курашни кучайтириш, гиёҳвандлик ва ичкиликбозлик каби ҳар қандай ҳуқуқбузарликларга кескин муросасизликда профилактик чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Айниқса, терроризмнинг профилактикаси борасида юқорида қайд этилган чораларни амалга ошириш ўзининг ижобий натижасини беради.